
БУТУНЖАҲОН ҲУНАРМАНДЛАР КЕНГАШИ ПРЕЗИДЕНТИ СААД АЛ-ҚАДДУМИЙ 4 КУНЛИК ТАШРИФ БИЛАН ЭРТАГА ФАРҶОНАГА КЕЛАДИ

Эртага, 7 сентябрь куни Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши (World craft council) Президенти Саад ал-Қаддумий, Кенгашнинг Осиё-Тинч Океани минтақаси Бош котиби, вице-президент Азиз Муртазаев ҳамда профессор Асиф Шайхдан иборат Халқаро баҳолаш комиссияси Фарғонага келади.

Ташрифдан кўзланган мақсад Марғилон шаҳрига Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши томонидан бериладиган Ҳунармандлар шаҳри мақомини олиш бўйича топширилган ариза бўйича ўрганиш олиб боришдан иборат.

Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши вакиллари 10 сентябргача вилоятимизда бўлиб, Марғилон шаҳридаги Ҳунармандлар маркази, “Ёдгорлик” корхонаси, Ҳунармандчиликни ривожлантириш марказида, тўқувчи ҳунармандлар хонадонларида миллий матолар тўқимачилиги ва тайёрлаш жараёнлари билан танишишади. Меҳмонлар шунингдек, Марғилон Ипакчилик тадқиқот институтида ҳамда “Нурли тонг” корхонасида ипак тайёрлаш фаолиятини кўздан кечирадилар. Халқаро баҳолаш комиссияси аъзолари Қўштепа туманидаги “Ҳунармандлар маркази”да гиламдўзлик ва каштачилик устахоналарини бориб кўрадилар, Қўштепа бозоридаги миллий матолар савдо расталари билан танишадилар.

Ташриф дастуридан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашув ҳам ўрин олган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-06 18:11:41